



МАҲБУС ВА МАҲКУМЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БОРАСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Тўхтаев Шаҳбоз Мусирмон ўғли

ИИВ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти мукофотлаш бўлими катта инспектори
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8231946>

ARTICLE INFO

Received: 03th August 2023

Accepted: 08th August 2023

Online: 09th August 2023

KEY WORDS

Муассаса, маҳкум,
зиддиятлар, ижтимоий-
маънавий, руҳий-психологик
ҳодиса.

ABSTRACT

Ушбу мақолада маҳбус ва маҳкумлар томонидан содир этиладиган жиноятларни олдини олиш борасида қилинган ишлар ва ҳуқуқшунос олимлар фикр мулоҳазалари ўрганилиб таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги жиноятчилик мураккаб табиатга эга, бу жиний жазоларни ижро этишдаги ўзига хос зиддиятлар, ижтимоий-маънавий, руҳий-психологик ҳодиса ва жараёнлар билан узвий боғлиқ. Бундан ташқари, кўпинча маълум бир жиний кўриниш нафақат алоҳида қурбонларга зарар келтиради, колониялар, тергов ҳибсхоналари, турмалар фаолиятини издан чиқаради, балки пенитенциар муассасаларда тотал шафқатсизлик ва зўравонлик ҳолати орқали аксарият маҳкумлар манфаатлари ва хавфсизлигига дахл қилади[1].

пенитенциар жиноятчилик (лотинча, «roenitentarius» – тавба қилиш, пушаймон қилиш) – бу мажбурий тарзда жамиятдан изоляция қилиш шароитида жиний ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар тизимидир. пенитенциар жиноятчилик – пенитенциар муассасалар, яъни озодликдан маҳрум қилиш жойларида содир этиладиган ҳамда содир этиш жойи билан белгиланадиган жиноятдир. Бунга жазони ижро этиш муассасалари, маҳкумларни даволаш муассасалари, манзил-колониялари, тарбия колонияси, турмалар, тергов ҳибсхоналарини ташкил этади. Унинг хусусиятлари пенитенциар тизими муассасаларидаги ўзига хос шароитлар ва маҳкумларга оид ижтимоий маҳсус муҳит билан белгиланади. Мамлакатимизда жазони ижро этиш тизими пайдо бўлганидан бошлаб пенитенциар жиноятчилик муаммоси долзарб бўлиб келмоқда. Мавжуд статистик маълумотларга кўра, бизнинг республикамизда пенитенциар жиноятлар улушига барча содир этилган жиноятларнинг 1,7-2%и тўғри келади.[1]

Шу ўринда, ҳозирда маҳкум ва маҳбуслар томонидан содир этиладиган жиноятларни олдини олиш борасида нима ишлар ҳамда қандай чора-тадбирлар қўлланилмоқда деган саволага қуйидагича жавоб берамиз. Ҳозирда, Тергов ҳибсхоналарида жиноятларни олдини олиш ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида тергов ҳаракатларини ўтказиш хоналарига 123 та овоз ёзиш имкониятига эга бўлган видео кузатув мосламалари ўрнатилди.



Юқоридаги саволга аниқроқ жавоб бериш учун жазони ижро этиш тизимидаги тергов ҳибсхоналарида сақланаётган маҳбуслар ва маҳкумлар жиноятчилигини олдини олиш бўйича барча чораларни уч гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади, булар:

- ижтимоий характердаги чора-тадбирлар;
- иқтисодий характердаги чора-тадбирлар;
- ҳуқуқий характердаги чора-тадбирлар.

Ижтимоий характердаги чора-тадбирлар деганда назаримизда ЖИЭМларида амалга оширилаётган ижтимоий ишлар яъни касб ҳунар, таълим ва соғлиқни сақлашга оид муносабатларни тушуниш мумкин.

Ушбу соҳада бугунги кунда тизимда жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни тоифаларга ажратган ҳолда маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда 15 125 маротаба тарбиявий-профилактик тадбирлар ўтказилди. Шундан:

- маърузалар ва суҳбатлар 3 229 та;
- ҳуқуқий тарғибот ва маънавият машғулоти 1971 та;
- савол ва жавоб кечалари 1 407 та;
- адабий ва мавзуй кечалар 1 276 та;
- ота-оналар билан конференциялар 5 та;
- кино ва видеофильмлар томоша қилиш 4 414 та;
- ички ишлар бўлими вакиллари билан учрашувлар - 334 та;
- прокуратура органлари вакиллари билан учрашувлар - 236 та;
- суд идоралари вакиллари билан учрашувлар - 201 та;
- солиқ бўлими вакиллари билан учрашувлар - 92 та;
- диний ташкилот вакиллари билан учрашувлар - 307 та;
- ёшлар бўйича ташкилотлар билан учрашувлар - 255 та;
- маданият ва маънавият бўлими вакиллари билан учрашувлар - 281 та;
- ҳокимият вакиллари билан учрашувлар - 250 та;
- банк бўлими вакиллари билан учрашувлар - 97 та;
- бошқа идора вакиллари билан учрашувлар - 770 та.

Шунингдек, ҳар бир маҳкум билан яқка тартибда 168 076 маротаба ҳамда ҳар ҳафта пайшанба маротаба “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” куни доирасида 980 маротаба тарбиявий-профилактик тадбирлар ўтказилди.

Иқтисодий характердаги чора-тадбирлар деганда Д.Тажибаева таъкидлаганидек, маҳкумга зарурий меҳнат кўникмаларини сингдириш ва меҳнатга ҳурмат билан муносабатда бўлишни шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бундай чора-тадбирларни амалга оширишга шахсларнинг меҳнат сифатига виждонан муносабатда бўлиш, унинг натижаларидан моддий ва маънавий манфаатланиши орқали эришиш мумкин. Ишлаб топилган маблағлар илгари содир этилган жиноят туфайли келтирилган зарарни қоплашга ҳам, маҳкумнинг шахсий эҳтиёжларини қондиришга, масалан, жазони ижро этиш муассасасидаги дўкандан асосий эҳтиёжлар, озиқ-овқатларни сотиб олишга ҳам ишлатилиши мумкин.



Шу ўринда, Жазони ижро этиш колонияларида 26 017 нафар маҳкумлар жазо муддатини ўтаётган бўлиб, уларнинг 22 114 нафари, яъни 85 фоизи меҳнатга лаёқатли ҳисобланади. Меҳнатга лаёқатли маҳкумларнинг 16 364 нафари, яъни 74 фоизи ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этилган, 5750 нафари (26 фоизи) иш билан таъминланмаган.

Ёпиқ турдаги жазони ижро этиш колонияларидаги меҳнатга лаёқатли 13 928 нафар маҳкумларнинг 8 774 нафари ёки 63 фоизи иш билан таъминланган. Манзил-колонияларидаги меҳнатга лаёқатли 8 186 нафар маҳкумларнинг 7 590 нафари ёки 91 фоизи иш билан таъминланган.

Ҳуқуқий характердаги чора-тадбирлар ҳам бир қатор таркибий қисмларни ўз ичига олади. Биринчидан, бу давлатнинг қўллаб-қувватлаши, жазони ижро этиш тизими фаолиятини ва натижада маҳкумлари аҳволини яхшилашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш орқали амалга оширилади. Иккинчидан, маҳкум шахсий хавфсизлиги масаласи кўтарилар экан, маҳкумга тегишлича кўмаклашиш, жумладан тиббий, ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатиш заруратига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Учинчидан, пенитенциар жиноятчиликни олдини олишда маҳкумларга зарурий юридик ёрдам кўрсатиш муҳим роль ўйнайди. Бу зарур билимлар соҳасидаги мутахассислар билан маслаҳатлашувлар, адвокатлар қўллаб-қувватлови, зарур ҳолларда вакиллик қилишда ёрдам бериш ва керакли маълумотларни тақдим этишни ўз ичига олади.

Маҳкумларни давлат давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида амалда жазони ижро этиш колонияларидан 2023 йил 5 ойи мобайнида озод этилган маҳкумлардан 799 нафарига 163,5 млн сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Хулоса ўрнида маҳкум ва маҳбуслар томонидан содир этиладиган жиноятларни олдини олишда уларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий чора тадбирларни амалга оширилиши ҳамда ушбу шахсларга қилган жиноятини тушуниб етиши зарурлиги борасида фақат Жазони ижро этиш тизими жавобгар бўлиши билан бирга барча давлат органлари ва жамоат бирлашмалари масъулиятини ошириш мақсадга мувофиқдир.

References:

1. Таджибаева Д. А. Маҳкумлар томонидан содир этиладиган пенитенциар жиноятчиликнинг профилактик тадбирлари ҳақида //Zbiór artykułów naukowych recenzowanych. – С. 64.
2. Қушбоқов Ш., Таджиев Э. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби //Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot. –2023. –Т. 2. –No. 4. –С. 35-44.
3. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. –Т. 1. –No. 4. –С. 58-63.



4. Рустамов С., Қушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. –2022. –Т. 2. –No. 10 Special Issue. –С. 28-31.
5. Qushboqov S. Jazoni ijro etish muassalarining yuridik shaxs sifatidagi tushunchasini yoritishda nazariy tahlil //O'rta Osiyo ta'lim va innovatsiyalar jurnali. – 2023. –Т. 2. –No. 2 Part 2. –С. 49-52.
6. Холмуминов О. Гражданско-правовое упорядочение использования некоторых категорий земельных участков //Review of law sciences. – 2018. – №. 4. – С. 67-72.
7. Холмуминов О. Ж. Гражданско-правовые вопросы собственности на землю //Право и жизнь. – 2016. – №. 3-4. – С. 163-185.